

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ,
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАХАР КОМИТЕТИ, МЕХНАТҚАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ХАМДА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

11-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№183 (2901).
18
сентябрь
Ж У М А
1964 йил.
Баҳоси 2 тийин.

Тошкент саноат область
партия комитетининг пленуми

Кеча Ўзбекистон КП Тошкент саноат область комитетининг пленуми бўлди. Пленум областа халқ маорифининг аҳоли ва уни янада яхшилаш чоралари тўғрисида, шунингдек область партия ташкилотларининг партияга қарб қилиш ва ёш коммунистларни тарбиялаш соҳасидаги ишлари тўғрисидаги масалаларни муҳофиз қилди.

Биринчи масала юзасидан область партия комитетининг секретари Х. Р. Мусахонова, иккинчи масала юзасидан область партия комитетининг секретари М. О. Зондов доклад қилди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудир Б. А. Абдуразақов иштирок этди.

(Пленум ҳақидаги батафсил ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонида босилади).

ХИРМОНГА БАРАКА
ОБЛАСТНИНГ БОШҚАРМАЛАРИДА ПАХТА ТАВЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 17 СЕНТЯБРГАЧА БЪЛГАН МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобда)

Бошқармалар	Бир кунлик ўсиш	Маълум бошқармалар
Бекобод	0.61	3.21
Калинин	1.01	3.02
Бўна	0.50	2.62
Ўрта Чирчиқ	0.57	2.33
Янгийўл	0.55	1.99
Оқсўғор	0.38	1.25
Юкори Чирчиқ	0.46	1.11

Область бўйича 0.54 2.20

МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК ВА ОЗОДЛИК УЧУН, ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДА ЁШЛАР ВА СТУДЕНТЛАРИНИНГ БИРДАМЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЖАҲОН ФОРУМИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Хурматли дўстлар! Ўртоқлар!
Ер юзидagi демократик, прогрессив ёшларнинг Москвадаги Жаҳон форумига тўпаланган вакиллари бўлган сизларга Совет ҳукумати, совет халқи номидан ва шахсан ўз номидан сизларга салом йўлламан. Форумининг аҳил бўлиб самарали ишлашини, империализмга қарши, мустамлакачиликнинг ҳамма формалари ва кўринишларини батамом йўқотиш учун қатъий курашга ёшларнинг кучларини жипслаштиришда катта муваффақиятлар тиламан.

Сизларнинг форумингиз барча халқларнинг озодлиги ва социал тараққиети учун, тинчлик учун актив курашаётган ёшлар ва студентларнинг сафларига янгидан-янги кучлар қўшади, деб ишонаман. Ёшлар инсониятнинг порлоқ келажаги учун курашчилар буюк армиясининг биринчи сафларида ишонч билан дадил қадам ташлаётганлигини, кўпгина авлодларнинг энг яхши ўғил ва қизлари курашиб ўз жонларини қурбон қилган муваффақиятли давом эттираётганлигини кўриш қувончлидир.

Халқларнинг империализмга қарши, миллий ва социал озодлик учун олиб бораётган кураши — замонамизнинг буюк ва адолатли ҳаракатидир. Ана шу кураш жараёнида планетамизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда. Меҳнат аҳли империализм исқанжасидан халос бўлиб, янги турмуш қуришга киришаётган давлатлар дунё картасида тобора кўпроқ пайдо бўлмоқда. Ўз халқларининг озодлиги ва мустақиллиги учун мардонавор курашаётган ёш қаҳрамонларнинг номлари одамлар хотирасидан ҳақ қачон чиқмайди. Пуқаллар ва маълумларнинг одамларга хос янги, муносиб ҳаёт учун кураши тарихига уларнинг номлари абадий ёзилди қолади.

Халқаро империализм — бизнинг умумий душманамиздир. Тинчлик ва тараққиётнинг ана шу ёзува ва ҳали анча кўзга бўлмаган душманига қарши, уруш ҳавфияга қарши кураш танасининг ранги, қайси миллатта мансублиги, сийёси ва диний эътиқодларидан қатъий назар, барча революцион, барча тинчликсевар ва тараққиётпарвар кишиларнинг интернационал бирдамлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлашни, уларни бирлаштиришни талаб қиломқда.

Мустамлака тазуви қуламоқда, у ўз умрини яшаб бўлди. Лекин у курашсиз ўзидан-ўзи қулаб тушади, деб кутиб туриш керак эмас. Мустамлакачилик батамом йўқотилгунга қадар халқлар жипслашиб, актив кураш олиб бормоқлари керак. Бу адолатли курашда халқлар турли воситалари

қўлланадилар. Башарти, мустамлакачилар чиқиб кетмасалар, халқлар бошқа воситалар қор қилмайдиган мустамлакачиларга қарши куч ишлатадилар.

Биз ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётганларга хайрихоҳимиз. Биз мустамлакачилар ва империалистларга қарши муқаддас кураш олиб бораётган халқларни қатъий билан қўллаб-қувватлаб келдик ва бундан бундан ҳам қўллаб-қувватлай берамиз.

Халқларнинг қаҳр-ғазаби ва шижоати мустамлакачилик қалъаларини емириб ташламоқда, империалистларнинг ўзининг йиртқич қиёфасини яширишга, турли-туман найранглар ишлаб чиқилишига мажбур этмоқда. Эндилдики янги мустамлакачилик қўлга қачмач ва револювер ушлаган назоратчи қиёфасида эмас, балки кўпгина дипломат либосида, чўнтагига қилин чек дафтрасини солиб, «халос хизмат» кўрсатишни тақлиф қилувчи сифатида келмоқда. Амалда эса, янги мустамлакачилик ҳали ҳам халқларнинг нафратланган қаршиликларига қўлдан қўламади, озод бўлган давлатларнинг иқтисодий ва сийёсий жиҳатдан асосатта солиштирилганлиги.

Империализм халқларни бир-бирдан ажратиб, демократия ва тараққиёт фронтини бўшашириш учун қилган турли-туман чораларида ирқчиллик ва буржуа миллатчиликдан фойдаланмоқда. Ёшлар бир хил ирқларнинг ёки халқларнинг иккинчи хил ирқлар ва халқлардан устуңлиги тўғрисидаги ҳар хил уйдирмалардан фойдаланиб, ўзларини йўлдан тойдиршига йўл қўймасликлари лозим.

Биз, совет кишилари, интернационалистларимиз. Биз зўр куч билан озод бўлган ва курашаётган халқларнинг чин дўстлари — ер юзидagi меҳнат аҳлидир, дейимиз. Бу дўстлар муқаддас озодлик курашига олган халқларни қуфатда қолдирмайдилар. Социализм мамлакатларининг халқлари, халқаро ишчилар ҳаракати ана шу дўстларнинг биринчи сафларида турибдилар.

Мамлакатимиз халқи капитализм кишанларини биринчи бўлиб ўзидан улқотириб ташлади. Халқимиз дунёда биринчи бўлиб янги ҳаёт курашини социалдамо йўлини босиб ўтди. Бу йўл осон йўл бўлмади. Биз қашшоқлик ва вайронгарчиликларни, қирғин келтирувчи урушларни бошимиздан кечирдик. Шунинг учун ҳам биз ўз озодлиги учун курашаётган ва озодликка эришган халқлар олдида турган проблемаларни айнамас яхши тушунамиз. Тушунибгина қолмасдан, шу билан бирга, ана шу проблемаларни ҳал этишда, ўз озодлигини ҳимоя қилишда, иқтисодий мустақиллигини қўлга

қилишда, миллий тикланиш ва социал тараққиёт йўлидан олға боришда уларга бутун чоралар билан ёрдам ҳам бераётимиз.

Мустамлакачилик қолдиқларини узиб-кесиб тутатиш учун, янги турмуш қуришда озод бўлган халқларга ёрдам бериш учун Совет Иттифоқи бундан бундан ҳам қўлидан келган ҳамма чораларни қўради. Империалистлар жинояткорона мустамлакачилик тартибларини ҳеч қачон қайтадан тиклаб олмайдилар!

Тинчлик учун кураш вазифалари форумингиз ишида муҳим ўрин олишига аминман. Термождо руҳининг олдини олиш, халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш, ёппасига ва батамом қуролсизланиш — барча халқларни, бутун инсониятни тўқилантирувчи сира некинтириб бўлмайдиган проблемалардир. Бу проблемаларни яхши тилаклар ва гап-сўзлар билан эмас, балки фақат халқларнинг империализмга, милитаризмга қарши, атом васвасаларига қарши мардонавор, фидоқорона курашлари билангина ҳал этишга эришиш мумкин. Ёшлар бу курашга катта ҳисса қўйишлари ва шу билан ўз халқлари учун, ўзлари учун, ўзларининг энг порлоқ идеалларининг рўёбга чиқиши учун яхши келажакни таъминлашлари лозим.

Азиз дўстлар! Бутун жаҳон демократик ёшлар ва студентлар ҳаракати сингари форумингизнинг кучи ҳам жипслик ва бирликдадир. Агар яқинлик бўлмаса, ҳеч бир оммавий халқаро ҳаракат ўз курашида муваффақиятга эриша олмайдди. Барча халқларнинг, хосин ниятли барча кишиларнинг, прогрессив фикрдаги барча ёшларнинг куч-гайратини жипслаштирган тақдирдагина, мустамлакачиликнинг шармадли системасини батамом йўқотишга эришиш, ер юзида чинакам озодлик ва тинчликни қўлга киритиш мумкин.

Ёшлар ва студентларнинг бирдамлигига бағишланган Жаҳон форуми ўзининг юксак масъулиятли вазифалари даражасида иш қўради, деб ишонч билдиришга рўхсат этгаймиз.

Халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашувчи ёшлар армияси кун сайин улғайиб ва мустаҳкамланиб бориши!

Яшасин Ер юзидagi демократик ёшларнинг бирдамлиги!
Яшасин халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик!

1964 йил, 16 сентябрь.
Н. ХРУШЧЕВ.

ХУШ КЕЛИБСИЗ, АЗИЗ МЕҲМОНЛАРИМИЗ



Серкўёш республикамиз пойтахтининг аҳолиси Бирлашган Араб Республикасида келган азиз меҳмонларни самимий кутиб олди. Сурагда: Бирлашган Араб Республикасининг бош министри Али Сабрий ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Р. Қурбонов ўртоқлар Тошкент аэропортида.
И. Глауберзон ва В. Сиротининг фотоси.

Бирлашган Араб Республикасининг Бош Министри Али Сабрий билан унинг ҳамроҳлари Москвадан Тошкентга учиб келётган самолёт Ўзбекистон чегарасига етганда, Бирлашган Араб Республикасида келган азиз меҳмонлар ўзларига таниш табиат манзарасини кўрдилар. Ўзбек ери лўпкак оғилдан кўсаклардан тўқилган улкан оппоқ сизиларни ҳаво кемаси каноти остига пойдоладек ёйиб қўйди. Шу пахта ўзбек ва Миср деҳқонларининг меҳнатсевар қўлларидан Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Республикасининг миллий ифтихори бўлиб қолган.

Шу ажойиб гилам Шарқдаги қадимги афсонада айтилган учар гилам сингари самолётни республика пойтахтининг аэропортга келтириб қўйди. Бирлашган Араб Республикаси, Совет Иттифоқи ва

Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган мана шу Тошкент аэропортига 17 сентябрь кунин тушдан кейин Тошкент аҳолисида юзлаб кишилар дўст мамлакатдан келётган азиз меҳмонни табриклаш учун тўпландилар.

«Хуш келибсиз мисрлик азиз меҳмонлар!» — деган самимий сўзлар араб, рус ва ўзбек тилларида энг қўйилган транспарантларнинг қизил ранги Тошкент кўнининг олтинсимон яшил либосига хусн кўшиб юборди.

Бирлашган Араб Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Али Сабрий билан унинг рафиқасини, Бирлашган Араб Республикасининг Бош Министри Али Сабрий билан унинг рафиқаси билан трапдан тушиб келди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Р. Қурбонов азиз меҳмонни қизини кутлайди. Аэродромга тўпаланган кишилар дўст вакиллариини гўлдурок қарсақлар билан кутиб олишди. Совет-араб дўстлиги шарафига айрилган хитоблар янрайди. Болалар меҳмонларга гўлдастлар тутишди.

Бирлашган Араб Республикаси Бош Министрининг ўринбосари Абдил Муҳсин Абу Аннур, Бирлашган Араб Республикасининг СССРдаги элчиси Мухаммад Мурод Ғолиб ва бошқа араб меҳмонлар ҳам Али Сабрий билан бирга Тошкентга келишди.

СССР Сугорилдиган деҳқончилик ва сув хўжалиги давлат ишлаб чиқариш комитетининг раиси,

Биз, совет кишилари социализм қуриш йўлига тушиб олаётган шонли Миср халқининг ютуқлари билан фахрланамиз.

Совет Иттифонидagi барча республикалар қатори Ўзбекистон ҳам Бирлашган Араб Республикасининг қардош халқи билан ўрнатилган дўстликни қадрламоқда ҳамда янги, эркин ҳаётни барпо этишда унга ёрдам кўрсатмоқда. Совет — Миср дўстлигининг рамзи бўлган балад Асовон тўғрисидаги Ўзбекистон мутахассислари актив қатнашаётганлиги хурсандимиз.

Азиз биродаримиз Али Сабрий Ўзбекистон меҳнатқашларининг қалблари барча содиқ дўстларимиз учун қандай кенг очиб бўлса, Сиз учун ҳам шундай кенг очидир. Ўзбек халқининг бойлиги нима билан бўлса, шунинг ҳаммасини Сизга бажонидил кўрсатамиз. Тажрибаларимизни Сиз билан хурсанд бўлиб ўртоқлашамиз.

Хуш келибсиз, мисрлик азиз меҳмонлар!
Али Сабрий жавоб нутқи сўзлайди.

Дўстлар деди у биз ўзининг қадимий тарихига эга бўлган ажойиб мамлакатингизга келдик. Биз Бирлашган Араб Республикасининг неча миллионлаб деҳқонларидан ва бутун халқидан Ўзбекистон республикасини халқига, Совет Иттифонининг барча дўст халқларига салом олиб келдик.

Бизларга айтаман дўстона табриклар ва самимий сўзлари учун дўстимиз, Ўзбекистон республика-

ИЛИҚ, САМИМИЙ ДЎСТЛИК ВАЗИЯТИДА БАР БОШ МИНИСТРИ АЛИ САБРИЙ ҲУЗУРИДА ЗИЁФАТ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
ЎРТОҚ В. В. ГРИШИННИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан ВЦСПС раиси, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат ўртоқ Виктор Васильевич Гришин Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. МИКОЯН.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1964 йил 17 сентябрь.

Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов жанобларига ўзининг чўқур миннатдорчилигини изҳор қилганини эстайман.

Хурматли Раис Никита Хрушчов сизлар билан учрашиш ва сизларнинг қишлоқ хўжалик районоларингизни бориб кўриш учун бизга лўтфан имконият берганиги учун бахтиримиз. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг турмуш шартларини ривожлантириш ва деҳқонларнинг турмуш даражасини кўтариш йўлида зўр куч-гайрат сарфлаётганлигини биз ҳис қилиб туришимиз, деҳқонлар инсоният вужудга келган дастлабки пайларданок меҳнатқаш оммасининг авангаридир. Деҳқонлар доимо бутун жаҳит учун зарур ҳаёт неъматларини етиштириш билан шуғулланмоқдалар.

Дўстлар! Биз Ўзбекистон республикасининг халқи билан учрашиш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш районоларини бориб кўришга гўя эстаймиз. Ана шу қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш районоларида одамларнинг бахт-саодати ва фаровонлиги бўлиши, фаён ва янги методлар асосида тараққиёт жараёни рўй бермоқда.

Бош Министр ўзбек дўстларга самимий ташаккур билдиради, уларга янгидан-янги муваффақиятлар тилайди ва Бирлашган Араб Республикаси билан СССР халқлари дўстлиги шарафига табрик сўзларини айтади.

Бирлашган Араб Республикасининг Бош Министри Али Сабрий

Пономарев ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Ф. Устинов ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Араблар томонидан зиёфатда БАР Бош Министрининг ўринбосари Али Сабрий билан Абдил Муҳсин Абу Аннур, енгил саноат министри Амин Ҳелми Комил,

дўстимиз озолик учун, агрессияга қарши олиб бориладган жангларда сизларнинг қаҳрамонона курашинингиздан ибрат олмақда, тинчлик учун қилинаётган жангларда сизларнинг улғур намуналаридан ибрат олмақда.

Бизнинг халқимиз замонавий илм-фан соҳасида сизлар эришган гўя катта ютуқларини табрикламоқда, эндиликда Шарқда шундай бир зўр куч набдо бўлдики, мустамлакачиликка қарши курашда каттагина маънавий ва моддий салмоқга эга бўлган бу куч тобора ўсиб, намол топтомқда.

Ҳаётнинг ҳамма соҳаларида Совет Иттифоқи қўлга киритган катта-катта ютуқлар уруш-

дан кейинги даврда халқаро майдондаги вазиятнинг ўзгаршига талай даражада ёрдам берди. Миллий ҳаракат кучайиб ва халқаро майдондаги кучлар ўзгариб бораётган бир вазиятда, эндиликда мустамлакачилик тарихида биринчи марта мудофаа позициясини эгаллади. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг кўп мамлакатларида революцион ҳаракат бир-бирига туташиб кетмоқда, бу ҳаракат мустамлакачиликнинг ҳар қандай шайқалга қолдиқларини ва кўринишларини муқаррар сурагда суғуриб ташлабди.

(Давоми иккинчи бетда).



Суратларда: (chapдан) «Ўзбекистон» колхозининг раиси Д. Пак, Янгйбозор канои заводининг директори Т. Секиров ва бригада бошлиғи Ан Вон Сун ўртоқлар тайёр бўлган каноини кузда кечармоқдалар. Ўртадаги суратда ўртоқ Ан Вон Сун бошчи бригада даласидagi каноилор. Четдаги суратда илгор колхозчилардан (chapдан) Цой Нам Дюн билан Т. Шодиев ўртоқлар етиштирилган бўлиқ каноиларга заъ қилан қарашмоқда.

ни аниқлайди. Четдаги бир стулчада бир сизим канои турибди. Уни икки киз диққат билан текширмоқда. Қобити тоза шилинганми ёки чала қолдирилганми, буни тезроқ аниқлашга улар ҳаракат қилишмоқда.

Виз Свердлов номи колхоз лубкорлари олдига бўлганимизда тушилик пайти эди. Ҳашаматли дала шийпонларининг биринчи дехқонларининг тўпланиб ўтиришганини кўрдик. Ўрта бўйли, бугдой ранг, ёши элликлардан ошган бир киши ўртада туриб олиб гапирётган. Унинг сўзини ҳамма эър эътибор билан тинглаётган эди. Ҳўтнинг ўқинида қўлгадан қорога қараб қайлайди рақам, процентларини тилга ҳам оларди.

— Мана бу, — деди у столдаги канои пояларини кўрсатиб, — сизлардан. Каноининг пўстлоғи яхши шилинмаган. Қобити билан аралаштирилиб заводга юборилган. Ҳар тонна пўстлоқда 20 процентдан кўпроқ ийр бор. Бундай каноини биринчи суртга қабул қила олмайди.

Нотиж каноини яхши кўритмай ҳўллигича жўнатайётганларини иши ҳақида ҳам бир қанча гапни айтди.

Матълум бўлишича, у киши завод директори Тангиркул ака Секиров эди. Колхоз раиси завод директори яхши мактаб таълимга, Тиниб-тинчимас, ғайратли киши деб таърифлади. Ҳақиқатан ҳам шундай эди. Тангиркул ака ҳамма ҳўрмат қилади. У завод ишчилари билан дехқонларнинг алоқасини ҳар томонлама мустаҳкамлаган. Директор тез-тез колхозларга мелиб туради. Дехқонлар билан сўхбатлашади. Уларнинг эътиборини кўпроқ ва сифатли махсулот топиширишга қаратмоқда.

Каноини «кўк олтин» деб бекоорга айтишмаган. Унинг ҳар граммни ҳам нобуд қилмай қарзлар керак. Қимматли хом амб. Ўзининг суртга топирилган ҳар тонна каноининг баҳоси жуда қимбат, 743 сўм. Иккинчи суртга эса 612 сўм. Учинчи суртга топирилган каноига 442 сўмдан ҳақ тўланади.

Тўғри, сифатли махсулот топишган дехқон ютади. Бу давлатга ҳам, колхозга ҳам, дехқонга ҳам фойдали. Кўп дехқонлар ана шу қўндога эътибор беришиб, каноидан катта даромад олишмоқда. Асосий ҳўсилни биринчи суртларга топиширишга ҳаракат қилаётганлар.

Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариши бошқармасининг мохир лубкорлари мамлакатга сифатли махсулот етиштириш бўлида тинмай меҳнат қилишмоқда. Улар гўзал диёримизнинг шонли 40 йиллик тўғини муносиб тўғна билан нишонлашга қўтўйиб бел боғлаганлар, мамлакатга 111 минг тонна «кўк олтин» соҳини узларнинг олижаноб бурчлари деб ҳисобламқдалар. Шу қўнларда далаларда қилнаётган меҳнат олинган мажбуриятни сўзсиз ошириб бажарилишидан далолат бериб турибди.

Н. РИХСЕВ,
М. ҲОЗНЕВ,
Юқори Чирчиқ бошқармаси.

„КЎК ДЕНГИЗ“ ЛОҶИНЛАРИ

шаёст. Бу ерда қўндалик нормасини 3—4 ҳиссадан бажараётган ишчилар жуда кўп. Далага кишлоқ аҳолисининг ҳаммаси кўчиб чиққан десан янгилимаймиз. Улар орасида правление аъзоларининг, бригада бошлиқларининг оила аъзоларининг ҳам кўриши мумкин. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ан Ван Сун раҳбарлик қилаётган бу иккинчи бригадада деярли ҳамма ишлайпти. Биргина бригада бошлиғининг оиласидан беш киши канои ўршида фаол катнашмоқда. Бригадининг 173 гектар каноипоиси бор. Бригада аъзолари барқарами меҳнат қилишиб бу катта майдондан мўл ҳўсил етиштиришни таъминлашди. Аҳил коллектив ҳар гектар ердан пландаги 170 ўрнига 178 центнердан «кўк олтин» топиришга сўз беришган эдилар.

Бригада бошлиғи билан гаплашиб қолсангиз у келгуси режалари ҳақида қувониб гапирди.

— Виз, — дейди у, — 178 центнердан ҳўсил топирамай деб сўз берганидик. Ваъдага вафо қилиш йўлида тер кўиб ҳалол меҳнат қилдик. Бу зое бўлмади. Ҳар гектар ерда 1 миллион 200 миң туп кўчат ўстирдик. Уни агротехника талаблари асосида парваршиш қилдик. Энди дадил айтишчи мумкинки, ҳар гектар ердан топишириладиган ҳўсилимиз 200 центнердан кам бўлмайди. Виз ҳўсилни 25 сентябргача тўла йиғиштириб олиш юзасидан конкрет план тўзиб чиндик. Шу план асосида кўнтий иш олиб бораётимиз. Кўнига 4—5 процент миқдорда ҳўсил топирилаймиз.

Бригада аъзолари ўршида меҳнат интизоми қаттиқ йўлга қўйилган. Барқарами ишчилари учун ҳамма шарҳ-шароитлар яратилган. Шу сабабдан бригадада канои топириши жуда кўпайибди.

ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ЛУБ

ДАЛА айланамиз. «Ўзбекистон» колхозининг бошқа бригадаларидаги ўрм-йиғим ишларини кўздан кечирдик. Коммунист Ким Александр, Хан Борис ўртоқлар бошқараётган бригадаларининг азамат лубкорлари меҳнатда ажойиб ютуқларни қўлга киритаётганликларини кўриб хурсанд бўлдик. Бу бригадаларнинг дехқонлари ҳам ҳарбир соатдан самарали фойдаланиш ҳўлмеҳнат қилишибди. Даладаги ҳўсилни етигарчиликка қолдирадиган барвақт йиғиштириб олиш иштиғи билан яшамоқдалар.

Дехқонлар кишлоқ ҳўналик экинларидан мўл ҳўсил олиш катта даромад келтиришини жуда яхши билишмоқда. Колхозчиларнинг сўнги йиллардаги барқарами меҳнатлари ҳам буни кўрсатиб турибди. Улар дехқончилик маданиятини юқори даражага кўтардилар. Техникадан самарали фойдаланиш йўлини яхши билиб олишди. Шу сабабдан ҳарбир қарч ердан юқори ҳўсил етиштириляпти. Давлатга кўп ҳўсил сотиляпти.

Кези келганда кўндалик фактни эслатиб ўтиш ўринлидир. Колхоз қисқа вақт ичида қаддини ростлаб олган, иқтисодий жиҳатдан қўндоқ ҳўналикларга ҳам ердан кўнлини «қўнди. Колхоз правленияси ва партия ташкилати колхозчиларнинг фидр ва хўлосларининг ҳисобга олиб, ён-атрофдаги 5 та қамқуват колхозини «Ўзбекистон» колхозига иктириб равишда кўниб олди. Шундан кейин колхозчилар бизда қўндоқ участкалар бўлмайди. Биз ҳамма ерда юқори ҳўсил етиштирмай деб дадил айтидик. Таярибали, ишчан, ғайратли дехқонлар узларининг қўри ҳўсилни картларини ташлаб, кам ҳўсил олинаётган ерларда ишлаб бошладилар. Ташлашнинг ҳўндога тушиб қўнган ерларга қайта-қайта ишлов берилди. Техникадан, маданни ва минерал ўғитлардан оқилона фойдаланилди. Натинида қўндоқ 5 та колхозининг ерлари ҳам унумдорликка айланди. Йил сайин ҳўсил кўпая берди.

Тўғри, бу колхозлар давлатдан ача қардор бўлиб қўлишган эди. Ҳа, 13 миллион сўм қарз бир неча йил ичида батамом узилди.

1. Колхозда каноини ўриб олинган майдонлар пешма-пеш шудгор қилиб қўйилмоқда. Суратда: 4-бригада даласида шудгор пайти.
2. Янгйбозор канои заводда ҳўсил гарамланмоқда.

В. Салов фотолари.

ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ

СЕНТЯБРЬ тонги жуда эрта отди. Бир аумда кишлоқ кўчалари ҳаракатга кельди. Трактор, мотоциклларнинг овози кишлоқни бошига кўтарди. Велосипедда кетаётганларининг сони бир аумда кўпайиб кетди. Кишилар далага окди. Ҳа далай катта ариқ етилар кенг, текис қартада ҳаёт қайнабди. Инчига, 5 та, 10 та, 20 та... Келувчиларнинг сони жуда тез кўпайди. Кишилар келишлари билан дарҳол ишга киришардилар.

Ўрта бўйли, қотмадан келган Тожибой ака Шодиев чаққонлик билан енг шимарди. У нечаги ишни давом эттирди. Бир аумда уч нартлик канои пояларининг ўршига киришиб кетди. Тожи ака чап кўли билан даста-даста каноиларни ушлаб, ўнг кўлидаги ўрқоқга кўч берарди. Узуи сопи, кичик юзли ўрқонининг тиги жуда ўткир. 2—2.5 метр узунликдаги канои кўз очиб юмғулча поёси бир томон ташлаб кетиларди. Ўрқоқи ишнинг кўзини билиб олган. Бир сантиметр каноини ҳам ерда қолдиргиси кельмайди. Қанчалик эганиб ўрқиса канои поёси шунча кўп ва узуи бўлишини яхши тушунади.

Цой Нам Дюннинг келганини Тожибой ака сезмай қолди. Олатдагидек бу гал ҳам у касб-донининг ҳаракатига назар ташлаб иш бошлад. Тожибой ака сарғига бошқа ўрқочилар ҳам қўшилаберди. Ҳамма олдидида кетаётган ўрқочидек ишлашга иктиларди.

Ҳали кўнғи 3 та жамолани кўрсатганча йў. Шудинг тўшган каноилорда эса иш қизиб, ўрқочиларда ғайрат кўчяиб кетганди. Тонг азондан социалистик мусобақа авяга чиқанди.

Канои тағурчилар ҳам бўш келишмайди. Бир аумда «МП-9» машинасининг мотори ҳаракатга кельди. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ишлаб бошлад. Бир неча киши каноини машина апаратыга ташлаб, пўстлогини подан тезда ишлаб оляпти. Ҳарбир киши ёнидаги сўричага кўпроқ поя ташлашга ҳаракат қилляпти. Бу ерда 7 та канои қобитини юлши машинаси ишлаб турипти. Ҳарбир машинадан чиқатган пўстлоқ алоҳида ҳисобга олиналти. Ан Екаторина, Ким Марта каби меҳнатсевар аёлларнинг ишдан ҳам кўнчилини хўрсанд. Улар таровидан чиққан пўстлогини тортиб бўлган, тартиб билан ерга ёйишиб, қўри-тишляпти.

Кўнғи уфдан мўралди. Олдинги ўрқочилар анча ери каноидан тозалашга улгурибди. Шоди ака каби пешмадамлар 3 соатдан ортқ ерининг каноини ўриб бўлишди. Ҳа, бу жуда яхши кўрсаткич. Ярим кўнлик норма кунда чиқишга қадар бажариб қўйилди. Ким Владимир раҳбарлик қилаётган агрегат аъзолари нонуштага қадар бирнеча тонна канои пўстлогини тайёрладилар.

Агрегат аъзолари тонг азондан қўш қорайгунгача тер тўкиб ишляпти. Яширмай қўйлолайлик. Улар ой ёғида ҳам тинчимаяпти. Шу туғайли меҳнатда янгида-яни галаба қўлга киритляпти. Кўнига 15—16 тоннадан канои поёси тайёрлаб коллектив олдинги ўрнларда кетаётган. Син Геннадий раҳбарлик қиллаётган агрегат аъзоларининг меҳнати ҳам чакки эмас. 24 кишининг ҳаммаси аҳил, ҳам-ижтхат. Бир-биридан қўлишмай ҳаракат қили-



«Ўзбекистон» колхозининг аъзолари тиймай ишляпти. Қўлга киритилган ютуқлар билан нишонлаиб қўлишмади. Пахта, каноига илхос қўйдилар. Чорва моллари бошини яхшилаш натижасида ундан барқарами даромад олинди. Натинида колхознинг бўлимас фондидаги маблағи кўпайди. Маданий-маиший бинолар қўрилишига эса эътибор янда яхшиланди. Қисқа вақт ичида жуда кўнгина маданий-маиший, тураржой бинолари қўрилди. Кишлоқда янги кўчалар вужудга кельди. Ҳўналик бинолари қўришда ҳам колхоз орқанда қўлмади. Етильги сақлайдиган намунали омбор қўрилди. Техника учун, пилла курти боқилладиган махсус бинолар қўрилди. Дала шийпонлари, эзлиқ кинотеатр бинолари ҳам қўрилиб фойдаланишга топирилади. Ярин вақт ичида бу соҳада яна қанчадан-қанча ишлар қилляпти.

«Ўзбекистон» колхози олға томон кетапти. Дехқонлар ўтган йили ҳам пахта, дубдан катта кирмон кўтаришди. Биргина луб экинининг ўндан 10 миңлаб сўм даромад қилишди. 1275 гектар ерининг ҳар гектаридан пландаги 147 ўрнига 152 центнер канои поёси топирилиб, зиммага оллинган социалистик мажбурият ортиги билан бақарилди.

Колхозчилар бу йил ютуғини яна ҳам салмоқли бўлади дейишляпти. Улар об-ҳаво инжиқчилигини мардонавор енгитиб, экинлардан юқори ҳўсил етиштиришган. Ҳар гектар ердан 170 центнердан кўндоқ олавиқ дейишмоқда. Пландаги 17 миң 526 тонна ўрнига 18 миң 400 тонна ҳўсил топиришмоқчи.

Колхоз правленияси ва партия ташкилати шу қўнларда бутун кичири даладаги канои ҳўсилни 1 октябрдан кечиктирмай йиғиштириб олишга сафарбар қилган.

«Ўзбекистон» колхозидан заводга кетаётган машиналарнинг кети узилмайди. 14 машина тўхтосиз равишда канои ташиб турибди. Ҳар бир шифер ўз устига конкрет мажбурият олган. Кўнига уч мартадан заводга катнашмаса уларнинг кўнги ўрнига тушмайди. Ишон Урсунуов, Ким Николой каби шиферлардан ҳамма хўрсанд.

Колхоз правленияси лубкорлар учун бутун шарт ва шароитларни яратиб берган. Иш ботида чой қайнаб турибди. Мазаали иссиқ овқат қилиб берилтипти. Меҳнат қўнларига ҳар беш кўнда пул, ҳар ўн беш кўнда эса галла аваниси мунтазам равишда берилмоқда.

МЎЛ ҲЎСИЛ, МЎМАЙ ДАРОМАД

КОЛХОЗНИНГ гўзал кишлоғидан чиқиб луб заводлари томон йўл олдик. Юқори Чирчиқда ҳаммаси бўлиб учта завод бор эди. Ҳаммаси ҳам янги ҳўсилни қабул қилишга пухта ҳўзирлик қўришди. Айниқса бу соҳада Янгйбозор луб заводининг иши маътовта сазовордир. Завод коллективни хўжалиқлардан келатган ҳўсилни тўхтосиз қабул қилишини кенг йўлга қўйишган. Завод бир неча кўн мобайнида 25 миң тоннага яқин канои поёсини қабул қилиб олди. Бу ўтган йили мавсум давомида қабул қилинган ҳўсилнинг ярмидан кўпроғидир. Шу рақамдан ҳам кўриши мумкинки, ҳўсил бу йил ҳар қачонгидан ҳам кўп. Биргина шу заводнинг ўзи 50 миң тонна луб поёси қабул қилди. Даладаги ҳўсилни ҳисобга олган завод коллективни қабул пункттери территориясини етти гектарга кенгайтиришган. Канои қўндалан майдончаларини эса бешгага қўнайтиришган. Бу эса канои поёсининг сифатли сайданлишига хизмат қилди.

Ҳўсилни гарамланган ишчилар меҳнатини мохирлик билан фойдаланишляпти. Ишлар жуда қадал. Кечаги бўмбўш майдончалар ўрнида баланд-баланд канои гарам қад кўтарайтир. Ҳар бир гарам салмоқли, 700 тоннадан ортқ. Кўнча бўш чўпган гарамларни бунёд қилишда Фарход Авазов, Анатолий Мерсерков, Хван Сергей каби олдий ишчиларнинг кизммати ниҳоятда каттадир.

Завод лабораторияси доимо гавжум. Бу ерда уч чаққон қиз ишляпти. Улар заводга келтирилатган ҳўсилнинг сифатини аниқлашда катта ҳисса қўлишпти. Лабораторияни бу ерда завод ойнаси деб айтишар экан. Бу бежиз эмас. Лаборатория ходимларининг сиваниси асосида бухгалтерия колхозлар билан ҳисоб-китоб ишларини олиб боради.

Кенг хона ўртасидаги икки электр машина канои поёси намининг қанча экинлик-

„ЗАНГОРИ КЕМАЛАР“ ТАЯНЧИМИЗ

Бекободдаги 1-«Далварзин» совхозининг директори Й. ИБРОҲИМОВ билан сўхбат

Звеноларда эса 1000—1300 сўм атрофида маблағ тежалб қўлиниди. Шу билан бирга бу звеноларнинг даласидаги гўзалларнинг ривожини ҳам яхши. Улар ҳам арзон, ҳам мўл пахта етиштиришди. Звено бошқарувчиларининг ҳаммаси ҳам нахтани узлари машиналар билан териб олишди. Демак, нахтанин таннархи яна ҳам арзонга тушди.

Шунинг учун ҳам биз 1965 йилда совхоз бўйича механизациялаштирилган звено узулганда гўза ўтинини мўжаллаямиз. Шу йилнинг ўнда Тошко мери асосида ишланган звеноларда ҳарбир звено азёси 15 тоннадан пахта етказиб бериш мажбуриятини олган.

Пахтакорларнинг қадрдони Никита Сергеевич Хрущев пахтачиликка комплекс механизацияни кенг қўлланчи, айниқса қўл меҳнатини енгиллаштирадиган «зангори кема»лардан унумли фойдаланиш зарурлигини ҳақида жуда оқилона кўрсатмалар берди. Эндиликда бунинг ҳар томонлама афзаллигини ҳарбир дехқон, ҳарбир пахтакор тушуниб, кўриб турибди. Машинада терилган пахталар бу йилги мавсумдан бошлаб пунктларда биринчи суртга қабул қилинади. Демак, унга тўланадиган харид нархи ҳам ошмади. Пахтакорнинг маънавиятини кўпайтиришди.

Ана шу кўрсатмалар асосида биз ҳўсилнинг кўп қисмини яқин 3500 гектар ердаги нахтани машиналар билан териб олишга мос қилиб тайёрладик. Бу ўтган йилги қарағанда икки баравар, 1960 йилга нис-

батан тўрт баравар қўндир. Пахтачи машинада терининг мунофақияти аввало дефляцияни сифатли ўтказишга боғлиқдир. Виз бу йил совхоздаги барча пахта майдонига дефляцияни ўтказаямиз. Шу қўнлардан икки самолёт дефляцияни ўтказаяпти. Дастлабки дори сезилган жойларда гўзал япроқлари гўлка бўлшади. Ҳа, деярли машиналар теримга тушиб кетади. 148 пахта терим машинасини теримга шай туришибди. Айрим ялғор бўлимларда эса ҳўсилнинг 80—90 проценти «зангори кема»ларда териб олинди. Жумладан, ўртоқ Рашид Саликаева бошчилик қилаётган 4-бўлимда 452 гектар ерда пахта етиштирилган. Бўлим ишчилари йил бошида ана шу майдоннинг ҳар гектаридан 23 центнердан ҳўсил қўришди. 3 миң гектардан эди. Бўлим ишчилари астойиб меҳнат қилишди. Узларнинг меҳнати қўниб ривожланган гўзалларда мўл ҳўсил тўпалади. Азаматлар ўз имкониятларини кўриб чиқиб, гектаридан 30 центнердан ҳўсил беримиз деб кўнчилишди. Шунингдек, улар 400 гектар ердаги нахтани машиналар билан териб олишга аҳд қилишди. Майдонлар ана шунга мослаб ҳўзирланди. Инъом Ортоқов, Қирғиз Абдукаримов ўртоқлар бошқараётган илгор бўлим ишчилари ҳам гектаридан 30 центнердан ҳўсил кўтаришга бел боғлашди.

Шундай қилиб ҳўжалигимиздаги 8 та бўлимнинг ҳаммасида ҳам аввалгики нисбатан оширилган мажбурият олинди.


Чўнқи гектаридан кам деганда 25—30 центнердан «оқ олтин» етказиб бериш имконияти борлиги аниқланди. Шу етиштирилган ҳўсилни қисқа муддат ичида териб олиш учун барча тадбирларни аввалдан пухта тайёрлаган ҳўлда терининг бошланди.

Совхозимиз территориясида яшайдиган ишга яроқли барчани теримга тўла жалб қилинганда қарий 3 миң кишини ташкил этайди. Ҳар бир теримчи ҳўрта ҳисобда бир қўнлик норма 40 килограмдан, ҳар бир машина учун бир қўнлик норма 2 тоннадан белгиланди. Демак совхоз бўйича ҳўндоқ кўлда 120 тонна машиналар билан 300 тонна яқини 420 тонна пахта тайёрлаш мумкин. Бу йилнинг планга нисбатан қарий 4 процентини ташкил қилади.

Машина теримга тушган қўндал бошлаб пахта тайёрлаш унуми кўпайиборади. Биз буларнинг барини ҳисобга олиб 30 иш қўнлида йиллик планини бажариши аҳд қилдик. Бу йил 20 октябр кўни ойна-Батаи 10.200 омборларига пландаги тонна пахтани етказиб бериш, жўндалдиришни интизиб юбилти таштанасига муносиб совға тайёрлаш ҳаракатида.

Улар Ойтабдин 47 йиллиги байрами—7 ноябрда мажбуриятимизни ҳам тўла бақарамиз.

Пахта далаларинида ана шу ахдаг яраша иш қилинмоқда. Дастлабки тонналар Батаиға соғда етлди. Суръат кун сафини ошмоқда.



ГАЗЛАМАЛАР ВИСТАВКАСИГА МАРҲАМАТ

Гўё баҳор. Ранг-баранг гуллар ҳиди думонигизга урилгандай, булбул хоншин қулоқларингизга чалингандай туюлади сизга. Газламалар виставкасида бўлсангиз ўзингизни шундай ҳис қиласиз. Табиат гўзаллиги ана шу газламаларда акс этиб турибди.

Товаровед А. Саидалиев, секция бошлиқлари В. Жалилов, Р. Нурiev, сотувчилар М. Алимова, Т. Хасанов ва бошқа ўртоқлар харidorларга мол танлашда яқиндан ёрдамлашмоқдалар.

«Таштекстильнейобувори» га қарашли 19-магазин коллектив яхши ташаббус кўрсатди. Магазин сотувчилари Октябрь райони болориди Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 40 йиллигига бағишлаб газламалар виставкасини ташкил этдилар.

— Мақсадиими, — дейди магазин директори ўртоқ Абдураваб Валиев, — харидорларнинг талаб ва эhtiёкларини ўрганишидир. Уларнинг фикр мулохазаларини тўлаб, газламага тўғри чиқарилган корхоналарга етказмоқчимиз.

Виставкага 320 хил газлама қўйилган. Булар Урта, Осиё халқ ҳўжалиги кенгашига қарашли Тошкент, Ленинobod, Марғилон, Қирғизистон ил ва индик газламага тўғри комбинацияларнинг Москва, Белоруссия, Югория Волга, Ленинград, Эстония халқ ҳўжалиги кенгашлари яхтиридаги тўқмиаччилик корхоналарининг маҳсулотларидир.

Виставкада намойиш қилинган моллар харидорларга сотилади. Икки жойда бичиш столи ташкил этилди. Харидор агар ҳўхласа газламани сотиб олган заҳотиёқ бичиқчилар хизматидан баҳраманд бўлиши мумкин. Зина Назмидинова ва Соня Беганвалар қўлларидан келган ёрдамни улардан аяшмайди.

АХЛОҚ ТЕМАСИДА

— Врачимаз Кашифахон Аҳмедова нега хафа қўнадиалар? — Довим бир гапириб ўн кулбюрадиган одамга нима бўлди... — Кашифахониниқ дилини ким огритганини?

Сўнгги кунларда касалхона ходимлари, таниш-билишлар, ёрубродарлар врач Кашифахон Аҳмедовадан шу тўғрида сўрашмоқчи бўлишардию, лекин андицага боришарди. Аммо кўвноқ, касалларнинг ҳўрматига сазовор бўлган врачнинг кейинги пайтда бундай аҳволга тушиб қолгани одамларни ажаблантирар ва ўйлантириб қўярди. Ахир у кеча-кундуз касалхонада ишласа ҳам чарчамасди, ҳордиқ нималигини билмасди. Энди эса бир-икки соат ичиди толиқиб қоляпти. Хўш, унга нима бўлди? Гапининг учи чидилари Аҳмедованинг дилини тухмат тоши яраллаган экан.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

Шу йил Тошкентда болаларни тарбиялашда оила ва жамоатчиликнинг ролига бағишлаган шаҳар сўзёди ўтказилади. Шу муносабат билан яқинда Ўзбекистон ССР Педагогика фанлари илмий-тактикисининг институти «Ташавотманш» заводи коллективи билан биргаликда тема-тик конференция ўтказоди. Бу конференцияда ёш авлодни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш масалаларига оид докладылар тишелачоди.

Конференцияда педагогика фанлари кандидати Ҳ. Ҳўррамов «Коммунизм қўрувчиларининг ахлоқ кодекиси янги кишини тарбиялашининг асосидир», олим А. Тожиқўраев «Меҳнатга ва турмушга коммунистик

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

КАРАМНИНГ «СИРИ»

Гап оддий нарам ҳанда боради. Карам хирурглиг пичогининг ўринини эгаллаб кўнгина одамларни хафли касаллиқдан: драларнинг бир неча хили, жумладан ошқозон ва ўн икки бармоқди ичка ярасидан халос қилиши мумкин.

Институт соани унинг ҳамма шифобахш хўсўситларини сақлаган ҳўлда порошонка айлантириш технологиясини ишлаб чидди. Бемор даволаниш учун, врачнинг тахминича, 28 кун мобайнида кунинга биттадан порошонк истеъмол қилиши керак. Бу тарзда даволаниши йилга давом эттириш лозим. Ярим станан сувга аралаштирилган порошонк редиска таъмин беради.

Карамнинг шифобахш хўсўситларининг сирини нимада? Оқ баргли нарамда хўл нартошлага қараганда 50 баравар кўп, кўп салатга қараганда 200 баравар кўп аскорбинген моддаси бор.

Олимлар нарамда яранинг битиб нетишига нисмон берадиган «у» фантори бор деб тахмин қилмоқдалар. («У» — «ульус» сўзининг биринчи ҳарфи бўлиб, бу сўз пра таъносини билдриради).

ХИРУРГ ЕРДАМСИЗ

Олимлар яна бир қимматли гийҳ — 6984 учун ишлатиладиган рўян ҳанда иенга гапириб беришди. Қадимий даврлардаёқ Мисрда рўянини кийилларини бўриш учун ишлатишган.

Лекин Умарова касалхонадан кетишни мартага коммунистик меҳнат коллективни номиди олдиди. Ана шундай ишчан врач номига тўхмат тоши ёғилад бўшлади. Буни беморлардан И. Умарова ва Н. Аскарваалар уюштирди. Хўш булар ким? Нега улар соф вилдояли врачан қораламоқчи бўладилар?

Маиа, улар билан танишинг; И. Умарова тўғри бромикт, наса-лига учраган. Касалхонада ойлаб даволанади. Емонининг бир қилини ордиқ деганларидек у ишиллардан пул сураб ичкилик ичадиган одак чидарди. Врачлар бу ароқхўр беморнинг саломатлигини тигиллаш учун қанча туларини бедор ўтказдилар. Ниҳоят у соғайди. Касалхонада 35 кун даволанганга, уйга қайтишга рўхсат беришди.

«Болшинг устидан юкорига арз қиламан, — деди у дағдага соллиб. Бемор шифо топанлиги учун шифокорларга раҳмат айтиш ўринга, улар устидан шикоят ёзди. Бағанда ҳам шикоят билан ёзди. У. К. Аҳмедовани беморлардан пул олади деб қоралади. Шикоят юзасидан касалхонага комиссия келди. Фактлар тасдиқламади.

К. Аҳмедованинг қалбига бу тухмат музи кўча ҳам лекин ҳалди захн ичмаган эди. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Н. Аскарваадан шикоят тушди. Врач Аҳмедова беморлардан турли соғва олишида айбонди. Яна шу масала юзасидан комиссия тузилди. Н. Аскарваанинг шикоятини касалхона қошидаги жамоатчилик асосида тузилган кенгаш комиссияси ўрганди. Комиссия составида 7 киши бўлиб, улар 15 кун шу масала билан овора бўлдилар. Бир неча киши булар вақтинча чакириб олинди. Қанча вақт куч, асаб сарф бўлди. Пироваардида Аскарваанинг ёганлар ҳам бўхтон бўлиб чидди. Тухматчи Н. Аскарваанин иши прокурорга оширилди.

Тухматчи ўз қилинишига яраша жаоланиши шўҳбасиз. Лекин масалаининг бошқа томонини кишини таажжубго солади. Тухматчиликни насб қилиб олган И. Умарова ва Н. Аскарвааларни тигиллашди. Улар одам бўлса керак. Бу бетайин шахсларга кимдир касаллованинг, арзимас икпир-чиқирлар тўғрисида, врач Аҳмедованинг фаолияти ҳанда «справка» тўлаб бермаганини? Сўхтимолауларнинг «раҳимомлар» бондир? Тухматчиларга «ёрдам» қўлини чўзган ким?

Яра ёрдиди, масала равшан бўлди. Старший медицина хамшириси Жўра Носирова ўша икки тухматчи билан оғиз-буйруқ ўпиниш юраркан. Бурач-бурачлардагина эмас, ҳатто улар билан борди-келди ҳам қилган миш-миш гапларини тўлаб тарқатишган. Вунда хамшира Н. Чўрилова га Р. Нуъмоновалар гийбатчиларга ёрдам беришган. Тўғри, улар софдил врач К. Аҳмедовага бўхтондан иборат хат ёзаётганлариди.

Н. ЕҚУБОВ. ФУТБОЛ ПЕШҚАДАМЛАР ЎЗ ЎРНИДА

Мамлакат чемпионатиининг нейинги турнида турнир пешқадамлари ўйинларини чет майдонларда ўтказдилар. Ленин шунга нармай улар ўз позицияларини сақлаб қолишга эришдилар. Жумладан, Одессанинг Армиа спорт клуби командаси Луганск шаҳрида «Заря» футболчилари билан мусобақалашиб, рақиблар дарвозасига битта тўп урди ва талабга эришди.

ЖАҲОН БҲИЛАБ

ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАРДА ШОНЛИ 15 ЙИЛ

БЕРЛИН. «Германия шу ерда! Германия Демонратик Республикасининг 15 йиллиги» — Берлинда ана шу шор остида Германия Демонратик Республикасининг қилинишиб наелатган 15 йиллигига бағишланган виставка очилди. Виставка республика меҳнаткашларининг социалистик қурилишда эришган тарихий галабаларини акс эттирди, мамлакатни янда ривонлантириш перспективаларини кўрсатиб беради.

ЯНГИ УҚУВ ЙИЛИ

СОФИЯ. Болгариянинг ўқув юр்தларида ўқув йили бошланди. 1,9 миллион ўқувчи республикадаги шахар ва қишлоқ мактабларининг кенг ва ёруғ синфларида шугуллаана бошладилар. 80 миңгача яқин студентлар ҳам машгулотларга киришдилар. Ҳозир республикада ҳар тўрт ержабондан бири ўқимокда. Ҳар 10 миңгача хисоблаганда студентлар соми жиҳатидаин социалистик Болгария жаҳонда олдинчи ўринлардан биричи эгаллаб турибди.

Мамлакатда ўрта профессионал таълим ҳам кенг ривож топди. Ишиллар, деҳқонлар, хизматчилардан қариб 200 миңг киши ишлаб чикоришдан ажралмаган ҳўлда профессионал билим юр்தларида ўқимокда.

БУХАРЕСТ. 3 миллион 600 миңг ўқувчи Руминиянинг умумий таълим мактабларида, техникумларида ва профессионал билим юр்தларида парталарга ўтиришди. Бу эса 1938—1939 ўқув йилидагича нисбатан икки баравардан зиёд кўпдир.

СЕНАТОР МОРЗЕНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН, 16 сентябрь. (ТАСС). Сенатор Морзе сенатда сўзга чиқиб, АКШнинг Жанубий Вьетнамга нисбатан ўтказилган сиёсати халқларо қонуниларни қўлоқ равнашда бузмокда ва улочичи жаҳон урушига олиб келиши мумкин, деди.

Америка пропандаистининг, Қўшма Штатлар Жанубий Вьетнамда «эриқилинни» хўмос қилишга ёрдамлашмокда, деган даъволарини Морзе фои қилиб ташлади. «Жанубий Вьетнамда, деди Морзе, эриқилин йўқ. Жанубий Вьетнам мустаноблар хўмронлик қилаётган давлат бўлиб қолди. Гражданилик эриқилинлари, у ерда йўқ. Даллес 1954 йилда Жанубий Вьетнамни 1954 йилга Жанубий Вьетнамга эриқилин бери қўлиб итди.

Қўшма Штатлар, деди сенатор Морзе, Вьетнамдаги урушин нейинги ҳафталарда негайтириб юборди. Қўшма Штатлар Тонкин қўлигини да ийрогарлик ҳаранатларини қилди, деб мим АКШни айблаган эдим, деди Морзе. Энди кўнгина сенаторлар меннинг бу гапим ростлигини эҳтироф қилмоқдалар, «Виз Жанубий Вьетнамга қўролланган денгиз немадларини бериб, ийгогарлик ролини ўйнади», Жанубий Вьетнам ҳарбийлари шимолий Вьетнамнинг икки оролинин бомбардимон қилишларини яқин билар эдик. Виз Американинг ҳарбий денгиз немаларини шу қадар яқин жойга келтириб қўйдисини, гарчи оқи денгизда бўлса ҳам бу немаларнинг туриши ийгогарликдан иборат аналитига ҳеч нимда шакшўба қолмаган эди.

Морзе Вирджания Миллатлар Ташкилоти ёки 14 мамлакат конференцияси Жанубий Вьетнамдаги танглик билан шугуллагани, деб талаб қилди.


«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» 4-БЕТ, 18 СЕНТЯБРЬ 1964 ЙИЛ.

ПРЕЗИДЕНТ СУКАРНО БУЙРУҒИ

ЖАКАРТА, 16 сентябрь. (ТАСС). Президент Сукарно Индонезия Республикасини қўролли кучлари, давлат аппарати ва бутун аҳолисининг жанговар тайёрилиги ва хўшёрлигини ошириш тўғрисида буйруқ бериди. АНТАРА агентлигининг хабар беришича, Малайзияга яраши конфронтация кучайганлиги муносабати билан президент ана шундай қарорга келган.

ЧОМБЕ ҚУРОЛ-ЯРОҒ СОТИБ ОЛМОҚДА

БОНН, 16 сентябрь. (ТАСС). «Генераль-Аншейгер» газетасининг хабар беришича, Конго (Леопольдвил) бош министри Мориз Чомбе «қўрол сотиб олиш имкониетларини ўрганимо» учун октябр ойининг охири, ноябрь ойининг бошида Германия Федератив Республикасинга келди. Худди шу мақсад билан, деб ёзади газета, Чомбе Швеция ва Италияга ҳам бормонди.



Цейлонда Совет Иттифоқи ёрдами билан автомобиль покршиқчалари ишлаб чикарадиган мамлакатда биринчи завод қурилмокда.

Курилишда совет мутахассислари қатнашмокда. Суратда: қурилиш майдонида.

Цейлонда Совет Иттифоқи ёрдами билан автомобиль покршиқчалари ишлаб чикарадиган мамлакатда биринчи завод қурилмокда. Курилишда совет мутахассислари қатнашмокда.

А. Матюшина фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Reklama ВА Эълонлар ТЕЛЕВИДЕНИЕ 18 СЕНТЯБРДА БИРИНЧИ ПРОГРАММА 18.00 — Мўъжизалар оламига саёҳат (мактаб ўқувчилари учун).

20.00 — Ленинград шаҳри адабиёт ва санъат арбобларининг Тошкент меҳнаткашлари билан учрашув нечаси (Свердлов номли концерт залидан). танаффус вақтларида — Телевизион инглишлари.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА Рус тилида: 18.10 — Мактаб наелдари. 18.50 — Бир деваза ортида. 19.00 — Тошкент инглишлари. 19.10 — Автопортришларнинг инчинини хайти (хўжиятчи фильм).

ТЕАТР

НАВОИИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/IX да Евгений Онегин, 19/IX да Дилором. ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/IX да Биринчи муҳаббат, 19/IX да Қўтулғу қон.

КИНО

Темир нибок (1 ва 2-серия) — «ИСПРА», «ВАТАН», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ» 30 ЙИЛЛИГИ, «МОСКВА» (кундуз ва кечнурун). ЕГУИ БИНОДА (кеч соат 8-20 ва 10-10 минутда) Темир нибок (1 ва 2-серия) — «ФЕСТИВАЛЬ», НАВОИИ НОМЛИ, «УДАРНИК», КАФАНОВ НОМЛИ, ПУШКИН НОМЛИ, ТЕЛЬМАН НОМЛИ, «ШАРҚ».

Гўсар ниссаси — «ВАТАН». Сикри ний — «ОКТАБЕРЬ». Тинч Дон (3-серия) — 1 МАЙ НОМЛИ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА 25 СЕНТЯБРА 1964/65 йил КИШКИ МАВСУМИ ОЧИЛАДИ

УЗБЕК ЦИРК КОЛЛЕКТИВИ АРТИСТЛАРИНИНГ Гастроллари Валиди раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти Абиджон Тонменбоев.

Томошалар давомида Ўзбекистон ССР халқ артисти Акром Юсупов раҳбарлигида қизиқичлар гуруппаси қитъалашади. Томоша кеч соат 8 да бошланади. Виллетлар сотилмокда.

А. Шомановнинг медицина фаилари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Ичкик дозадаги ноиллатирувчи нурур таъсир этирилган ҳайвонларнинг катта дозадаги нурур ва хўмос қилувчи химиявий моддалар таъсирига жавабон реактивлиги» деган темада эълон қилинган

ДИССЕРТАЦИЯСИНИ Ё Қ Л А Ш (газетаниннг 14/VI сонини қаранг) 30 сентябрга кўчирилди ва кундуз соат 2 да Тошкент давлат медицина институти даволлаш ва стоматология факультетларининг илмий совети мажлисида (ант залида) бўлди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРДА ИШЛАШ УЧУН ВА «ҚАРШИТОРА»-ГА эквисаторлар машинистлари, сферперчилар, бульдозерчилар, тракторчилар, ҳар хил класс шоферлар, авторейдерчилар, гишт теурчилар, сувоқчилар, дурадгорлар, арматурачилар, бетончилар ва ёрдамчи ишиллар

КЕРАК Қабул қилинганлар ётоқ билан, бир марталик ёрдам пули ва суточник пули билан таъминланади ҳамда иш жойига боришдаги ёл қаражатларидан озод қилинади. Мурожат учун адрес: Тошкент шаҳар, Привокзальная кўчаси, 13-уй, телефон 2-84-27.

Редактор А. ИСМОИЛОВ. «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Тошкентских промышленников и сельскоо областных комитетов КП Узбекистана. Тошкентскоо горкома КП Узбекистана, промышленного, сельскоо областных и городского Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНИЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими — 31936. Санавот ишлаб чинариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Журнилий ва партия ишлари бўлими — 33786. Кишлоқ хўжалиги ишлаб чинариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, машиай ва шахар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юр்தлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Халқаро ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ (ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА) — Орган Тошкентских промышленников и сельскоо областных комитетов КП Узбекистана. Тошкентскоо горкома КП Узбекистана, промышленного, сельскоо областных и городского Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНИЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими — 31936. Санавот ишлаб чинариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Журнилий ва партия ишлари бўлими — 33786. Кишлоқ хўжалиги ишлаб чинариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, машиай ва шахар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юр்தлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Халқаро ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.